DOI: 10.36719/2663-4619/61/27-31

Муборак Абдуллаевна Атаниязова
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
ataniyazova@mail.ru

НАВОИЙНИНГ ИШҚИЙ ДОСТОНЛАРИ ОЛИМ ШАРАФИДДИНОВ ТАЛҚИНИДА

Калит сўзлар: *Олим Шарафиддинов қарашлари, достон поэтикаси, композицияси, 30-йиллар адабиётшунослиги, бадиий талқин*

Romantic epics Navoi interpreted by Olim Sharafiddinov

Summary

This article deals with a scientific analysis of the views of the literary critic Olim Sharafiddinov on the poetics of the epic Alisher Navoi "Khamsa", in particular, "Farhod and Shirin", "Leyli and Majnun". It evaluates the views of the scientist on this topic, the world of images, plot and composition from today's point of view. Also, scientific problems related to the poetics of the epic are studied, new views are put forward on the genre and semantic features of this immortal work. Along with this, issues related to the poetics of the epic are clarified.

Key words: *views of Olim Sharafiddinov, poetics of the epic, composition, literary criticism of the 1930s, artistic interpretation*

Шарқ мумтоз адабиётида бўлгани каби Алишер Навоий ижодиётида ҳам “Фарҳод ва Ширин” мавзуси етакчи ўринни эгаллайди. Бу мавзу мумтоз адабиёт бадиий олами талқинларида нисбатан мўътадил воқелик саналади. Шу боис авом ва хослар учун бир даражада қабул қилинади. Жаҳон адабиёт илми бу мавзуни Алишер Навоий буюк “Хамса”си тадқиқи доирасида ҳам, алоҳида объект сифатида ҳам мунтазам ўрганиб келмоқда. Чунки хамсанавислик ва Алишер Навоий “Хамса”си дунё бадиий-эстетик тафаккури, маънавияти учун ўлмас манба ҳисобланади. Ўзбек адабиётшунослиги ва манбашунослигида “Хамса” достонлари, хусусан, “Фарҳод ва Ширин” ҳақида илк бор кенг миқёсда мулоҳаза юритган адабиётшунос Олим Шарафиддинов саналади. У XX аср 30-йиллари навоийшунослик илмининг кўзга кўринган вакилларидан эди. Олим Шарафиддинов илмий тадқиқотларида Алишер Навоий ижоди, жумладан, “Хамса” талқини асосий мавқе тутади. Бу тадқиқотларнинг эътиборли ва бугунги кунда ҳам аҳамиятини сақлаб қолган томони шундаки, олим “Хамса” бўйича илмий кузатишларида ҳар бир достонни ўзига хос бўлган бир бадиий таҳлил методи асосида ёритади. Масалан, “Ҳайратул-аброр” фалсафий-дидактик, “Фарҳод ва Ширин” социологик таҳлил, “Лайли ва Мажнун” руҳий-психологик, “Сабъаи сайёр” структурал ва қиёсий-типологик, “Садди Искандарий” тарихий-қиёсий таҳлил усулларида тадқиқ этилади. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони “Хамса”да иккинчи ва ҳажм жиҳатдан “Садди Искандарий”дан кейин иккинчи ўринда туради. Хамсанависликда бу тип “Хусрав ва Ширин” ёки “Ширин ва Хусрав” тарзида номланган бўлиб, унинг ўрин олиши анъанага биноан жойлашгандир. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, мавзунинг Алишер Навоий талқинида “Фарҳод ва Ширин” тарзида ўзгариши нафақат хамсачилик, балки бутун мумтоз бадиий тафаккурда улкан янгиланиш бўлди. Шарқ адабиётида “Фарҳод ва Ширин” достонигача ва достондан кейинги бадиий талқинларда янгича руҳ ва поэтик образлар юзага келди. Буни биргина мумтоз шеърият мисолида ҳам кўриш мумкиндир. Чунки мумтоз лирикада Хусрав, Ширин талмиҳ-тамсиллари ўрнини Фарҳод ва Ширин эгаллади. Бадиий ижодда Фарҳод асосий образ, бош қаҳрамон сифатида кенг кўламда тасвирлана бошланди. Бу улуғ шоир Алишер Навоийнинг хамсачилик ва мумтоз поэтика тараққиётидаги кашфиётларидан бири эди. Адабиётшунос Олим Шарафиддинов “Хамса”нинг бошқа достонларига нисбатан “Фарҳод ва Ширин” таҳлилига кўпроқ эътибор қаратади, яъни достонни кенгроқ таҳлил қилади. Маълумки, Алишер Навоий “Хамса”си таркибидаги достонлар, Олим Шарафиддинов таъкидлаганидек, ҳамд, наът, муножот, сўз ва қалам васфи, салафлар ва устозлар, темурий султону шаҳзодалар таъриф-тавсифларини ўз ичига олган муқаддималар билан бошланади. Шу ўринда “Билмиллоҳир раҳмонир раҳим” таърифи ва шарҳи ҳамда айрим достонлардаги “васфлар” ҳам адабиётшунос эътиборидан четда қолганлигини айтиб ўтиш керак. Олим Шарафиддинов достонлар муқаддимасига кирувчи бу жанрий шаклларни ҳар гал ҳам таҳлилга тортишни зарурат деб билмайди. У асосан “Ҳайратул-аброр” достони таҳлили жараёнида, қисман “Сабъаи сайёр”да масалага доир муайян фикр юритади. Худди шундай “Фарҳод ва Ширин” тадқиқида мавзу талқини анъанаси ҳақида тўхталгач, тўғридан-тўғри

достон сюжети баёни ва образлари таърифига ўтади. Асл ҳақиқатга кўра, Алишер Навоий олам ва одам, Ҳақ ва иймон, жамият ва инсон, дунё ва охират, борлиқ ва йўқлик, жаҳолат ва маърифат, маъни ва моҳият каби энг муҳим масалалар юзасидан ўз бадиий-эстетик, фалсафий-ирфоний қарашларини айни муқаддималарда айтади. Шоирнинг достонлари, шунингдек, лирик меросида айни мавзу шу қадар баланд тафаккур қуввати ва юксак бадиий руҳ билан тавсиф этиладики, бу талқинлар бевосита мумтоз поэтика учун ҳам, навоийшунослик учун ҳам улкан маърифат манбаи саналади. Шунингдек, "Хамса" достонларида келтирилган насрий парчалар ҳам кўпинча адабиётшунослар эътиборидан четда қолади. Ваҳоланки, айни адабий парча-лавҳаларда ҳам ҳаёт ва илоҳиёт, инсон ва дунё, шеър ва шоир, шоҳ ва дарвеш, сўз ва қалам, маъни ва сурат ва ҳакозолар билан боғлиқ ниҳоятда муҳим қарашлар, таърифу тавсифлар берилади. Бу васфлар достон поэтикасида катта ўринни эгаллаш билан бирга композицион яхлитлик учун ҳам хизмат қилади. Бундай парчалар боблар таърифи ўрнида келиб, у ёки бу бобнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи калит вазифасини бажаради. Масалан, Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонида Жомий таърифидан олдин шундай эпик лавҳа киритади: "Ҳазрати шайхул-исломий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий (модда зиллаҳу) мадҳидаким бу лабташнаи водийи ҳайратқа мунингдек маъни бодасининг жоми анинг ҳиммати майхонасининг сувчиларидин дам-бадам тўлди ва анинг дуоси пиёласининг соқийларидин лаболаб бўлди" (Alisher Navoiy: 328). Бунда келтириладиган таърифнинг моҳияти мухтасар жамланади. Шунинг учун ҳам бу насрий парчалар достон архитектоникасида зарур вазифани бажаради. Фикримизча, адабиётшунос Шарқ мумтоз адабиётининг бу каби анъаналарини чуқур англаган, бироқ бу борада ўз қарашларини эркин баён этишига шўро даврининг манфур сиёсати монеълик қилган кўринади. Ҳатто, бир вақтлар собиқ шўро сиёсати маҳсули ўлароқ мумтоз асарлар нашри жараёнида ҳам айни мавзулар ифодаси бўлган сатрларнинг чоп этилмаслиги ҳолатлари мавжуд эди. Шу нуқтаи назардан, фикримизча, Олим Шарафиддинов қарашларида масала талқини умумий тарзда айтилади ёки таҳлил жараёнига жалб этилмайди. Миллий истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзбек адабиётшунослиги ушбу мавзу доирасида анча салмоқли илмий тадқиқотлар олиб борди ва мана шу бўшлиқни тўлдиришда саъй-ҳаракатлар, илмий изланишлар давом этмоқда. Демак, XX асрнинг 20-30-йиллари ўзбек адабиётшунослиги ва навоийшунослигида диний-ирфоний мавзулар тадқиқи борасида самарали илмий ишлар олиб боришга имкон бўлмаганлиги яққол кўринади. Бироқ айтиш керакки, Европа ва рус адабиётшунослигида Шарқ мумтоз ва тасаввуф адабиёти поэтик олами бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда ўзгача манзаралар кузатилади. Олим Шарафиддинов хамсанавислик хусусида фикр юритганда Алишер Навоий "Хамса"си, хусусан, "Фарҳод ва Ширин"даги сюжет ва образларнинг халқона талқинлари борасида ҳам ўз мулоҳазаларини билдириб ўтади. Бу тажрибадан навоийшуносликнинг кейинги тараққиётида унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мисол учун адабиётшунос "Фарҳод ва Ширин" ҳақида тўхталиб, "халқ орасида бу асарнинг жуда кўп турли қўлёзмаларига учраш мумкин. Халқимизда бу асарга бўлган муҳаббатни кўрган шоирлар, ёзувчилар уни соддароқ тил билан янгидан ишлаб чиқишни, насрга айлантиришни ёки бутунлай янгидан "Фарҳод ва Ширин" достони яратишни лозим кўрадилар. Бундай асарлардан Умар Боқийнинг "Қиссаи Фарҳод ва Ширин"и, Маҳзуннинг "Фарҳод – Ширин"ини, "Хамсаи беназир"даги "Насри Фарҳод – Ширин"ни кўрсатиш мумкин. XX асрнинг иккинчи ярмида литография усули билан нашр этиш пайдо бўлгандан сўнг "Фарҳод ва Ширин" яна кўпроқ халқ орасига тарқала бошлади. Бу достонга бўлган талабни кўрган китоб савдогарлари бир неча йил орасида уни кўп нусха ва вариантларда бостириб сотдилар", -дейди (Олим Шарафиддинов: 118). Олим бу эътирофлари билан "Фарҳод ва Ширин" нафақат бадиий, балки халқ тафаккури учун хизмат қилганлигини кўрсатиб беради. Олим Шарафиддинов "Хамса" достонлари талқинида бадиий ижод қонуниятини чуқур ҳис этган адабиётшунос сифатида кўринади. Маълумки, бу достонлар қаҳрамонлари ер юзининг турли ўлкалари ва халқлари ҳаёти билан боғланади. Уларда воқеалар Чин, Арман, Юнон, Яман, Хоразм, Эрон, Ажам, Араб, Рум, Хуросон, Мовороуннаҳр, Самарқанд ва бошқа юртларда содир бўлади, қаҳрамонлар ҳам хилма-хил халқ вакилларидан ҳисобланади. Бу азалдан то ҳозирга қадар бадиий адабиёт учун ўзига хос бўлган бир поэтик ҳодисадир. Бадиий ижод қонуниятига кўра, асар тарихий мавзуда бўлса ҳам замонавий, қаҳрамонлар жаҳоний бўлса ҳам миллий руҳ касб этади. Бу ҳолатни ўз вақтида Аристотель ҳам, Белинский ҳам қайд этган эдилар, Шарқ мутафаккирлари ҳам шу фикрдадирлар. Шу азалий ва абадий қонуниятни ҳисобга олган Олим Шарафиддинов "Хамса" қаҳрамонларида ўзбек халқи образларини, таърифи ва тасвири берилган ўлкаларда мамлакат тарихини кўради. Масалан, бир ўринда "Ўзбек халқи Фарҳод ва Ширинларга ўз қаҳрамони сингари қарар ва ўз мамлакатидан етишган кишилар сифатида тушунар эди...Навоий адабий традициялар изидан бориб, Фарҳодни Чин подшоҳининг ўғли қилиб кўрсатса-да, аммо унинг

достонидаги Фарҳод образи ва унда тасвирланган воқеалар, ифода этилган ғоявий-эстетик идеал ўзбек халқининг маълум тарихий даврдаги ҳаёти билан боғлангандир" (Олим Шарафиддинов: 119) - дейди олим. У "Фарҳод ва Ширин" воқеалари ва образлари талқинига шу тариқа ёндашади. Олим Шарафиддинов "Фарҳод ва Ширин" достони моҳиятида биринчи навбатда "зулм билан адолатнинг, маърифат билан зулматнинг кураши"ни кўради. У асар қаҳрамонларини ҳам икки қутбга ажратиб талқин этади. Фарҳод, Ширин, Шопур, Меҳинбону, Баҳром кабиларни маърифат ва адолат, вафо ва садоқат тимсоллари деб билади. Уларга қарши Хусрав, Шеруя, Ёсуман, Бузургумид сингариларни зулм ва зулматга қиёслайди. Шунингдек, достонда муҳим ғоявий-бадиий функциялар бажарган қатор афсонавий образ-деталларга алоҳида аҳамият берилади. Улардан Суқрот, Сулаймон узуги, Ёсуман, аждаҳо, ойна, хат, дев ва бошқаларни айтиш мумкин. Бироқ олим сюжетдаги ўринларига қараб, бундай образларга муносабатни ўқувчи ҳукмига ҳавола этади. Шу билан бирга бу ифодалар илдизлари қадимги оғзаки (аждаҳо, дев) ва ёзма манбалар (Суқрот, Ёсуман), диний-дидактик қарашларга (Сулаймон узуги) бориб боғланишини айтиб ўтиш лозим. Бундан кўринадики, "Фарҳод ва Ширин" достони бадиий олами ранг-баранг образларнинг бир мантиқ асосида уйғунлашган поэтик ифодаси ҳисобланади. Бу ҳолат Алишер Навоий даҳоси, бадиий маҳорати ва тафаккур кашфиёти чексизлигини ҳам намоён этади. Олим Шарафиддиновнинг "Фарҳод ва Ширин" ва умуман "Хамса" достонларига муносабатида, фикримизча, давр ижтимоий ҳаёти, адабий-эстетик қарашлари талабларига мойиллик туфайли социологик талқин етакчилик қилади. Ҳатто, бу ҳолат олим қарашларида "Фарҳод ва Ширин"даги ишқ масаласи талқинида ҳам акс этади. Адабиётшунос достоннинг иккинчи бир йўналишини ишқ тасвирида деб билади. У бир ўринда "Навоийнинг достони бошдан-оёқ ишқ-муҳаббат билан суғорилган. Шоир бир-бирларини севувчи кишиларнинг порлоқ, унутилмас образларини яратди. Навоий фикрича, ишқ кишидаги ярамас сифатларни куйдириб, тозаловчи бир ўтдир. Бу муҳаббатни бошидан кечирган киши, маънавияти мукаммал кишилар қаторига ўтади. Ишқ кишининг шахсиятини баланд даражага кўтаради. Шунинг учун Навоий кўнглида дарди йўқ, ҳақиқий ишқ-муҳаббат туйғуларига ёт кишиларни жонли, турмушда ҳаракат қилувчи, бахт-саодат учун курашувчи, кўнгли пок кишилардан ҳисобламайди", - дейди (Олим Шарафиддинов: 131). Шу нуқтаи назардан 30-йиллар адабий-эстетик қарашларида "Фарҳод ва Ширин" достони баркамол шахс, вафо ва дўстлик, ишқ ва муҳаббат тараннум этилган асар сифатида ўрин эгаллади.

"Лайли ва Мажнун" мунгли ишқ қиссаси Шарқ, хусусан, ўзбек адабиётининг миллий ва оламшумул мавзуларидан бўлибгина қолмасдан, мумтоз бадиий тафаккур олами эпик ва лирик талқинларида ниҳоятда кўп мурожаат этиладиган анъана ҳам ҳисобланади. Ўзбек ва умуман бадиий адабиётда ушбу мавзу талқини масаласида ҳам адабий жараённинг бошқа ҳодисалари сингари ҳазрат Алишер Навоий ижоди етакчи ўринни эгаллайди. Чунончи, мумтоз адабиёт поэтикасини ишқ талқинисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, унинг бадиий ифодаси учун "Лайли ва Мажнун"дек мажозий ва илоҳий тамсилни ҳам учратиб бўлмайди. Албатта, жаҳон адабиётида мавжуд бўлган Фарҳод ва Ширин, Баҳром ва Дилором, Вомиқ ва Узро, Ромео ва Жулетто, Вис ва Ромин, Юсуф ва Зулайҳо, Тоҳир ва Зуҳро кабиларда ҳам ишқ талқини юксак мақомларда жўшқин ифода этилади. Бироқ мақсад ва руҳий тафтиш масалаларида "Лайли ва Мажнун" айнан ишқ талқинига хосланганлиги билан бошқа шу тип асарлардан бир қатор поэтик хусусиятлари билан ажралиб туради. Алишер Навоий "Қомусий луғати"да айтилганидек, "Лайли ва Мажнун" туркумидаги қисса ва достонлардан асосий мақсад, аввало, илоҳий ишқни тараннум этишдир, Лайли эса илоҳиётнинг махзари"дир (Алишер Навоий: 246). Шу ўринда айтиш жоизки, "Лайли ва Мажнун" достони хамсанавислик тарихида Мавлоно Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб "Ҳафт авранг"дан бошқа хамсалар таркибида учинчи ўринда келади ҳамда нисбатан кичик ҳажмга эгалиги билан характерланади. Шу билан бирга Хусрав Деҳлавий "Мажнун ва Лайли"сидан ташқари деярли барча ижодкорларда "Лайли ва Мажнун" тарзида юритилади. Агар "Хамса"лар таркибидаги ўзга достонларни оладиган бўлсак, уларнинг турлича номларда эканлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, "Маҳзанул-асрор" ёки "Ҳайратул-аброр", "Хусрав ва Ширин" ёки "Фарҳод ва Ширин", "Ҳафт пайкар" ёки "Сабъаи сайёр", "Искандарнома" ёки "Садди Искандарий" кабилар. Фикримизча, бундай хилма-хиллик асарлар ҳамда анъанавий сюжетларга янгича руҳ бериш, бетакрор талқинларни юзага чиқариш ва ўзгача поэтик мақсадларни амалга ошириш учундир. Шунга кўра, "Лайли ва Мажнун" достони мавзуси ҳамда сюжетининг ўзи мажоз ва ҳақиқат ифодалари учун янги-янги поэтик маънолар тақдим эта олиш имкониятига эгалиги билан ҳам хамсачиликда ўзига хослик касб этади. Бошқача қилиб айтилганда, достон сюжет-саргузашти бадиий талқини қайси оҳангда қабул этилишига қараб ранг-баранг ва серқатлам маъноларни юзага чиқаради. Унда кимдир мажозий,

кимдир илоҳий, кимдир дунёвий, кимдир ухравий масалалар талқинини кашф этади. Шу нуқтаи назардан "Лайли ва Мажнун" достони ҳақида илк шўро даври адабий қарашлари эътиборга сазавордир. Достон Алишер Навоий "Хамса"сининг учинчи ва бошқа асарларига қараганда ҳажм жиҳатидан нисбатан кичиги саналади. Айтиш керакки, шу бугунга қадар навоийшуносликда мавзу тадқиқи адабиётшуносларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, XX аср 20-30 йиллар навоийшунослигида ҳам мавзу тадқиқига алоҳида эътибор қаратилган эди. Хусусан, янги давр адабиётшуносларидан Олим Шарафиддинов "Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди" номли илк монографик тадқиқотининг "Лайли ва Мажнун" мавзуси талқинига бағишланган махсус фаслида достон ғоявий-бадиий олами ҳақида сўз юритади. Бундан ташқари Олим Шарафиддинов хамсанавислик ва Алишер Навоий "Хамса"сини чуқур таҳлил этган илк навоийшунослардан бири эканлигини таъкидлаш лозим. Олим хамсашунос сифатида "Хамса" достонлари муқаддимаси (ҳамд, муножот, наът, меърож, сўз таърифи, устоз ва шоҳлар эътирофи) ҳақида сўз юритган ҳолда "Лайли ва Мажнун" достонидаги шу анъанага тўхталмайди. Шу ўринда ҳар бир достон битта бадиий матн эканлигини, шу матн композициясини қисмлар рўёбга чиқаришини ҳамда матнлар ғоявий-бадиий, мантиқий яхлитлиги "Хамса"ни ташкил этишини қайд этиш керак. Олим Шарафиддинов айни масалада ўзига хос йўл тутади. У достон воқелигини тўғридан-тўғри таҳлил этиб боришни лозим кўради (Олим Шарафиддинов: 132-140). Достонда ифодаланган қайғули воқелик достон асосий мотивини ташкил қилади. Олим Шарафиддинов фикрича, Алишер Навоий бу достонда катта ижтимоий муаммолар талқинини ўртага ташлайди. Унда бойлик ва камбағаллик муносабатлари, кишининг қиммати, шахс тақдири, инсон эрки ва озодлиги каби масалалар тасвирланади. Адабиётшунос "Лайли ва Мажнун" достонига юқори баҳо бериб, уни "улуғ Шекспирнинг "Ромео ва Жулетта" асари каби бутун дунё адабиётининг бебаҳо дурдоналаридан" (Олим Шарафиддинов: 140) эканлигини таъкидлайди. Шундан келиб чиқиб, ўзбек адабиётшунослигида бу икки буюк асар қиёсий таҳлил этилганлиги ҳам олим фикр-қарашлари давом этаётганлигини кўрсатади. О.Шарафиддинов "Лайли ва Мажнун" достони талқинида "туш" ва "хат" эпизодларига алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бирга "кийик-оҳу" тимсолларини Мажнун характерини очиб беришда тутган ўрнини таҳлил жараёнида кўрсатиб ўтади. Бунда олим бадиий асар таҳлилида детал ва унсурлар муҳим эканлигига ишора қилади. Бу Олим Шарафиддинов қарашлари ҳозирги адабиётшунослик учун ҳам манба бўла олишини намоён этади. Олим Шарафиддинов мавзунинг ирфоний-фалсафий жиҳатларидан кўра, руҳий-психологик ва реалистик томонлари талқинини кўпроқ таҳлилга тортади. Бу ҳолат, хусусан, достоннинг кириш қисмидаги анъанавий тавсифларга мурожаат этилмаганлигида ҳам кўринади. Шу қатори асар воқеликлар асосида тавсиф этилиши ва қаҳрамонлар типик вазиятларда талқин этилишида ҳам давр бўҳронларининг кучли таъсири сезилиб туради. "Буюк Алишер Навоий, - дейди у, ўзининг бу романтик достонида киши психологиясининг жуда нозик ва реалистик анализини бериш орқали ўша замоннинг минглаб ва миллионлаб қиз-йигитлари бошидан ўтган бу социал фожеани бутун даҳшати билан тасвирлайди" (Олим Шарафиддинов: 140). Олимнинг бу тарздаги қарашларидан сабоқ ҳам, баҳс ҳам чиқариш мумкин. Гап шундаки, кўп маънолилик асрлар давомида ўз мумтозлигини сақлаб келаётган барча асарлар учун асосий хусусият ҳисобланади. Шунга кўра, Олим Шарафиддинов навоийшунос сифатида "Лайли ва Мажнун" ҳақида илк таассуротларини, давр мафкураси талаб этган бадиий-эстетик талаблар асосида қарашларини ўртага ташлайди, хос адабиёт намунаси сифатида талқин этилишини эса кейинги авлодлар ҳукмига ҳавола этади. Шу нуқтаи назардан Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достони поэтикаси ҳақидаги адабиётшунос Олим Шарафиддинов қарашлари муайян бир босқич вазифасини ўтайди. Асар ҳақида мана шу талқинлар тадрижини билмасдан, "Лайли ва Мажнун" ва умуман хамсачилик тўғрисида тўлақонли хулосаларга келиб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтилганда, Алишер Навоийнинг "Хамса"си, хусусан, "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" достонлари мумтоз ва умуман бадиий адабиётнинг поэтик жиҳатдан мукаммал намуналаридир. Олим Шарафиддинов Алишер Навоий яратган нодир асарларга ўз даври адабиётшуноси сифатида баҳо беради. Унинг қарашларидаги баъзи бир чегараланган жиҳатлар эса шўро сиёсатининг маданий меросга муносабати талаблари натижаси эди. Шунга қарамасдан олим муайян асарни таҳлил этганда илмийлик, ҳаққонийлик тамойилларига амал қилади. Олим қарашларидаги теранликка Алишер Навоий ижодига хос ҳаётийлик куч бағишлайди. Бу 30-йиллар ўзбек адабий-эстетикаси учун ҳам Алишер Навоий мероси таянч бўлиб хизмат қилганлигини тасдиқлайди. Алишер Навоий ижоди сингари "Хамса" асари ҳам яратилган давридан бошлаб адабиётшунослик илмининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Шу кунларга қадар ўзининг тўлиқ баҳосини олган ҳам эмас. Адабиётшунос Олим Шарафиддиновнинг қарашлари ҳам ана шу йўлдаги

бир мувафаққиятли босқич ҳисобланади. Шунга кўра, боқий “Хамса” сингари бу ноёб обида ҳақида билдирилган холис фикр-қарашлар ҳар доим ўз қимматини сақлаб қолади. Шу нуқтаи назардан ҳам Олим Шарафиддинов қарашлари эътиборга моликдир.

Адабиётлар

1. Абдуғафур Расулов. Нурли нигоҳ // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2004 йил, №6 (85) 155-160 бетлар
2. Алишер Навоий. Қомусий луғат. 1-жилд. − Тошкент: Шарқ, 2016. − Б. 536.
3. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Oltinchi jild. Farhod va Shirin. -T.: G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. - 812 b.
4. Олим Шарафиддинов. Танланган асарлар (Масъул муҳаррир: Ҳ.И.Ёқубов). -Тошкент: “Фан” нашриёти, 1978 йил. - 304 бет.
5. Олим Шарафиддинов. Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди). -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1971 йил, -187 бет.
6. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. -Тошкент: “Ёзувчи”, 1993. -215 бет.

Göndərilib: 20.12.2020 Qəbul edilib: 21.12.2020